

Акса урганга жавоб қайтариш | Йигирма олтинчи ҳақ



13:31 / 29.09.2025 1089

Акса урганга жавоб қайтариш.

Бу ҳам муслмоннинг устидаги ҳаққи бўлиб, акса урган киши “алҳамдулиллаҳ” деган тақдирда, унга жавобан “ярҳамукаллоҳ” дейиш билан адо бўлади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ акса уришни яхши кўради, эснашни эса хушламайди. Сизлардан бирортангиз акса уриб Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир муслмоннинг “ярҳамукаллоҳ”, дейиши зиммасига ҳақдир”**, деганлар.

Абдулҳамид Зайриевнинг “Муслмоннинг ҳақ ва вазифалари” китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023-йил 16-январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.